


ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА  
ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ (ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)

**UZA**

O'zbekiston  
Milliy axborot  
agentligi



**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА  
ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ**

**(ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)**

2021 ЙИЛ МАЙ

ТОШКЕНТ – 2021

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА  
ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ (ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)**

**Илмий нашр**

**2021 йил май ойи сони**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Раёсатининг 2019 йил 28 мартдаги 263/7.1 ва 263/7.4-сон қарорига биноан ташкил этилган.

Электрон журналга келган мақолаларга жавоб қайтарилмайди, журналда эълон қилинган мақолалардан олинган парчалар ЎЗА Илм-фан бўлими (электрон журнал)дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Электрон журналга бир ярим ораликдаги материаллар “Microsoft Word” редактори, “Times New Roman” шрифтида электрон версия шаклида қабул қилинади.

**Тахрир кенгаши**

А.Кўчимов	Б.А.Назаров
М.Жўраев	А.Асқаров
А.С.Сагдуллаев	Д.Ю.Юсупова
С.С.Ғуломов	А.Х.Саидов
Ф.Г.Назиров	Т.Ў.Арипова
Р.Д.Курбанов	Қ.Р.Аллаев
М.Ҳ.Рустамбоев	С.М.Туробжонов
Ш.Т.Қудратхўжаев	И.С.Саифназаров
Н.А.Хусанов	Г.А.Мардонова

Манзилимиз: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-уй  
Тел: (+99871) 233-09-21; (+99899) 833-62-71

## МУНДАРИЖА

### *Иқтисод*

<b>Д.Н.ХУСАНОВ, З.Ф.УМАРОВА.</b> Благоприятный инвестиционный климат Республики Узбекистан-----	5
<b>Л.К.КЎПАЙСИНОВА.</b> Баҳолаш фаолияти регулятив механизмининг жаҳон ва Ўзбекистон амалиёти хусусиятлари-----	13
<b>А.Б.ЖАНИКУЛОВ, Ф.Н.АБДУЛЛАЕВ, С.И.ДАМИНОВ.</b> Темир йўл транспортада техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар, ҳалокатлар ва аварияларнинг иқтисодиётимизга зарари-----	24
<b>М.С.АЛИҚУЛОВ.</b> Суғурта компанияларининг инвестиция салоҳиятини ошириш масалалари-----	33

### *Юридик*

<b>Н.А.ХУШВАКТОВА.</b> Жиноятнинг сабаб ва унинг содир этилишига имкон берган шароитларни бартараф этиш юзасидан тақдимномаларнинг жамоатчилик томонидан ижро этилиши масалалари-----	45
<b>М.С.ҚОДИРОВ, Ш.Қ.ЛУТФУЛЛАЕВ</b> Коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришда ўқув жараёнининг ўрни-----	56
<b>Р.Х.КУШЕРБАЕВ.</b> Коррупцияга қарши кураш масалалари: олий таълим тизими мисолида-----	66
<b>С.Н.АЗИМОВ.</b> Айбга иқдорлик тўғрисида келишув институти: муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари-----	75
<b>Ж.И.МАХМАТҚУЛОВ.</b> Ўзбекистонда иккинчи жаҳон уруши йилларида ички ишлар органлари фаолияти-----	84

### *Филология*

<b>Б.М.РАҲМОНОВ.</b> Эртак ижодкорлиги анъаналарининг барҳам топиши сабаблари-----	95
<b>Б.МУҲИДДИНОВА.</b> Сайидахмад Васлий Самарқандий: мадраса таълими қандай бўлиши керак?-----	106
<b>С.Х.ХЎЖАҚУЛОВ.</b> Маърифатпарварлик ва жадид шеъриятида бадий тасвир воситаларининг функционал ўзгариши-----	118
<b>Ҳ.М.ХУДОЙМУРОДОВА.</b> Ижодкорнинг бадий тасвирий воситалардан фойдаланиш маҳорати (Нодир Норматов ижоди мисолида)-----	132
<b>К.Х.АВИЛОВА.</b> Терминологиянинг долзарб мумммолари-----	141
<b>Ю.ЗИЯЕВА.</b> Алишер Навоийнинг “Хамса” дostonларида нафс талқини--	149
<b>Д.М.ТАМИКАЕВА.</b> Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» дostonида арабча ўзлашма фразеологизмларнинг қўлланилишига доир-----	161
<b>З.Р.ТИЛЛАБАЕВА.</b> Самарқанд шаҳри шеваларида қўлланадиган баъзи бир фразеологизмларнинг ўзига хос хусусиятлари-----	170
<b>А.Ҳ.АХМАТОВ.</b> Бухоро адабий муҳити ва Шариф Нурхон-----	180
<b>М.И.СУЛАЙМАНОВА.</b> Ўзбек ва қирғиз айтишувларининг ўзига хослиги ва уларда тақинчоқлар образининг берилиши-----	186

<b>О.Х.АБДУЛЛАЕВА.</b> Тил корпусларини яратишда қўлланилувчи дастурлар таснифи-----	194
<b>Ф.С.БАФОЕВ.</b> Ҳерман Вамберининг «Čagataische sprachstudien» («Чигатой тили дарслиги») асаридаги ўзбек мақоллари хусусида-----	203
<b>Д.Б.ОЛИМОВА.</b> Аҳмад Яссавий “Меърожнома” сининг ирфоний моҳияти-----	210
<b>Д.М.ЮЛДАШЕВА.</b> Педагогическое наследие академика Л.В.Щербы и его актуализация в современной науке и образовании-----	219
<b>С.С.ХОТАМОВ.</b> Ёзувчи Хайридин Султоннинг «Бобурийнома» асаридаги ўзига хос услубнинг таҳлилий жиҳатлари-----	228
<b>Д.Н.САЪДУЛЛАЕВА.</b> Ўзбек насрида руҳоний образига муносабат масаласи-----	236
<b>М.О.ҲАМИДУЛЛАЕВА.</b> Алишер Навоий шеъриятида кўз, қош, киприк тимсоллари талқини-----	246

### *Тарих*

<b>С.С.РАУПОВ.</b> Бухоро амирлигида маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув-----	254
<b>Ф.А.АДИЛОВ.</b> Озарбайжон тарихчиси Зиё Мусо ўғли Буниётовнинг Ўзбекистон тарихини ўрганишга қўшган ҳиссаси-----	264
<b>О.Р.РАШИДОВ.</b> Ўзбекистонда большевиклар миллий сиёсатидаги тил ва ёзув масаласи-----	271
<b>И.Х.ШОЕВ.</b> Археология и перспективы изучения и использования археологических коллекций-----	281
<b>Ф.А.КАЛАНДАРОВА.</b> “Тарихи салотини манғития” да Бухоро амирлиги этник таркибининг ёритилиши-----	289

### *Фалсафа*

<b>Ш.Б.МУРТОЗАЕВ.</b> Абу Ҳафс Умар Сухравардий ҳаёти ва илмий мероси-----	298
<b>Ш.Ф.ДЖУРАЕВ, А.А.АЛАМОВ.</b> Организация учебного процесса по предмету философия: краткий анализ-----	306

### *Техника*

<b>Х.Н.ЗАЙНИДИНОВ, Ш.А.АНАРОВА, Ж.С.ЖАББАРОВ.</b> Ўхшашлик ёрдамида геометрик шаклларнинг фрактал ўлчовлари-----	317
<b>Э.Т.ФАРМОНОВ, Т.АБДИЛЛАЕВ, Ф.Э.ФАРМОНОВА.</b> Саксовул ва черкез уруғларини экадиган сеялка экиш аппаратининг параметрларини мақбуллаштириш-----	326
<b>Ш.А.СУЛАЙМОНОВ.</b> Кимёвий препаратлар ёрдамида курук пилла қобиғини чанг ва бошқа омиллардан сақлаш орқали сифатли хом ипак олиш усуллари-----	334

*Тарих*

**БУХОРО АМИРЛИГИДА МАҲАЛЛИЙ ЎЗИНИ-ЎЗИ  
БОШҚАРУВ**

**Сойиб Саидович РАУПОВ**  
тарих фанлари номзоди, доцент  
Бухоро давлат университети  
Бухоро, Ўзбекистон

**Аннотация**

Мақолада маҳалла тушунчаси, унинг моҳияти, вазифалари, маҳалла оқсоқолининг ваколат ва вазифалари тарихий нуқтаи-назардан ўрганилган. Шунингдек, маҳалла шакллари тўғрисида фикр юритилиб, шаҳар ва шаҳарларга туташ мавзелардаги маҳаллалар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари, шаҳарларда бир хил касбга мослашган хунармандлардан ташкил топган маҳаллалар, миллати ва элатига қараб ташкил топган маҳаллалар, жумладан, Бухоро яҳудийлари маҳаллалари, қишлоқ ва дашт ва чўллардаги маҳаллалар, уларни бошқаришдаги ўзига хос хусусиятлар таҳлил этилган.

**Таянч сўзлар:** маҳалла, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш, маҳалла оқсоқоли, шаҳар маҳаллалари, хунармандлар маҳаллалари, Бухоро яҳудийлари маҳаллалари, қишлоқлар, кўчманчилар маҳаллалари.

**МЕСТНОЕ САМОУПРАВЛЕНИЕ В ЭМИРАТЕ БУХАРЫ  
УПРАВЛЕНИЕ**

**Сойиб Саидович РАУПОВ**  
Кандидат исторических наук, доцент  
Бухарский государственный университет  
Бухара, Узбекистан

**Аннотация**

В данной статье рассматриваются сущность понятия маҳалла, функции, полномочия и задания старосты маҳаллы. Также, обсуждаются формы маҳаллей, специфика маҳаллей расположенных в городах и пригородах, маҳаллы объединенные с спецификой их ремеслами, маҳаллы объединяющие разные народности, маҳаллы бухарских евреев, маҳаллы расположенные в степях и пустынях, особенности их управления.

**Ключевые слова:** маҳалля, местное самоуправление, маҳаллинский оқсақал, городские маҳаллы, маҳаллы ремесленников, маҳаллы Бухарских евреев, село, маҳаллы кочевников.

Мамлакатимиз тарихига назар солсак ўзбек миллий давлатчилигининг дастлабки йиллариданоқ маҳаллий ўзини-ўзи бошқарувга алоҳида эътибор берилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Маҳалла сўзи бизга араб тилидан кириб келган бўлиб, ўрин жой маъносини англатади. Аммо бу маҳалла араблар истилосидан кейин шаклланди дегани эмас. Чунки маҳалла мамлакатимиз ҳудудида анча олдин шаклланган.

Маҳаллалар келиб чиқиш жиҳатдан давлатдан ҳам анча олдин қарор топган, деган илмий фараз ҳам мавжуд [3]. Аммо бу фараз ҳали илмий изланиш ва ўрганишга муҳтож, ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Сополлитепадан топилган манбаларнинг гувоҳлик беришича саккиз оиланинг манзилгоҳи маҳалла ҳисобланган. Бу манзилдаги саккизта оила таркибида патриархал тизим асосида қурилган юздан ортиқ жуфт оилалар уюшган. Ҳар бир катта оила жамоасини бошқариш иши улар орасида сайланган оқсоқол ихтиёрида бўлган. 8 та катта оила оқсоқоллари олий оқсоқоллар кенгашига бирлашганлар. Оқсоқоллар кенгашининг аъзолари қадимги диний китоб “Авесто”да айтилгандек, Нманapati номи билан юритилган. Нмана – катта оила жамоаси демақдир. Нманapati – катта оила бошлиғи маъноларини англатади [14].

Тарихий адабиётларда ҳам маҳаллаларнинг кўп минг йиллик тарихга эга эканлиги тўғрисида гувоҳлик берилади. Жумладан, тарихчи олим Наршахий “Бухоро тарихи” номли асарида Бухорода бундан 1100 йил илгари ҳам бир қанча маҳаллалар бўлганлигини қайд қилиб ўтган [9;16-17].

Маҳаллаларнинг ривожланиши миллий давлатчилик ривожини билан бевосита боғлиқ бўлган. Шунинг учун Амир Темур даврида ўзбек давлатчилиги янгича шаклланиб, юксалиш йўлига кирган пайтларда маҳаллалар кундан-кун обод ва файзли бўлиб борган. Буни Ибн Арабшоҳ, Ибн Холдун, Клавиho каби хорижий сайёҳ ва тарихчилар ҳам ўз асарларида қайд этган. Амир Темур замонида ҳатто ҳарбий қўшин ҳам маҳалла усулида яшаган.

Лекин темурийлар давридан кейинги инқироз даврларида, айниқса, Ўрта Осиё худудида учта хонликка бўлиниб кетгандан сўнг маҳаллалар ривожда унча катта силжиш кўзга ташланмади. Шунга қарамасдан маҳалла амирлик ва хонликлар маҳаллий бошқарувида, жамият иқтисодий-сиёсий ва ижтимоий-маънавий ҳаётида жуда катта рол ўйнаган.

Шуни алоҳида эътироф этиш лозимки, Бухоро амирлигида маҳаллаларнинг ички тартиб-қоидалари, гарчи ҳеч бир расмий ҳужжатда ўз аксини топмаган бўлсада, унга барча қатъий амал қилган. Бу кўпчиликка, унинг иродасига ҳурмат-эҳтиром ифодаси бўлган. Кўпчиликнинг бунёдкорлик иродаси ҳашар йўли билан уй, йўл ва кўприклар қуриш, тўй-маъракалар ўтказиш, ариқ ва каналларни таъмирлаш каби тадбирларда яққол намоён бўлган.

Шаҳарлар ва йирик қишлоқларда маҳалла маҳаллий ўзини-ўзи бошқарувнинг ўзига хос бир шакли, кўриниши сифатида фаолият кўрсатган. Маҳаллани бошқариш жамоатчилик асосида олиб борилиб, ўзининг тартиб-қоидаларига эга бўлган. Маҳалла аҳолиси бу қоидаларга бўйсунishi шарт бўлган.

Амирликда маҳалла оқсоқолининг ҳақ-ҳуқуқлари, вазифалари қадимдан шаклланиб келган. Маҳалла оқсоқоллари ва унинг ёрдамчилари сайланган. Оқсоқол маҳалланинг маҳаллий ҳокимият олдидаги расмий вакили ҳисобланиб, улар томонидан бу лавозимга тасдиқланиши керак ҳисобланган. Сайлов ўтганидан сўнг тайинланиш оқсоқолга ёзма ҳужжат-ёрликнинг берилиши билан тасдиқланган. Оқсоқол кишиларга уларнинг отадан мерос қолган уй-жойларини шариат қоидалари асосида тақсимлаб бериш ишларини ҳам бажарган. Оқсоқол ўз худудидаги ҳовли-жойларнинг олди-сотди ишларига бевосита аралаша олган. Масалан, Бухоро шаҳрида уй-жой олди-сотди савдосида “қўшнининг ҳақи” тамойили амал қилган. Уй-жойни қўшнилар сотиб олмагандан кейингина бегоналар сотиб олиши мумкин бўлган. Бу тамойилнинг бажарилиши устидан назоратни маҳалла оқсоқоли олиб борган [11;19].

Оқсоқол гузар аҳолиси ўртасидаги келишмовчиликларни ҳал этиб, ишнинг қозигача бормаслигига ҳаракат қилган. Агар бирор кишига нисбатан ҳокимият томонидан айб эълон қилинган бўлса, оқсоқол уни иложи борича кафилликка олган.

Амирлик пойтахти бўлган Бухоро шаҳри икки даҳага, даҳаларнинг ҳар бири эса олти жарибга бўлинган. Ҳар бир даҳани даҳабоши бошқарган. Жарибни эса бобо бошқарган бўлиб, унинг маҳкамаси бобохона дейилган. Унинг ихтиёрида фақат тунда ишлайдиган махсус қўриқчилар бўлиб, улар шабгардлар, деб аталган. Шабгардлар (тунда кезувчи) – форс-тожик тилидан олинган бўлиб, “шаб” – кечкурун, тун ва “гард” – кезмоқ, кезувчи маъноларини англатади. Шабгардлар кечаси шаҳарни кезиб юриб барча шубҳали шахсларни аниқлаганлар, шунингдек ҳеч бир эҳтиёжсиз кечаси шаҳар кўчаларида юрган шахсларни ушлаганлар. Уларнинг ижтимоий аҳволи, унвони ва келиб чиқишидан қатъий назар, шаҳардаги ҳаммом ва ўчоқларга жўнатилган ва эрталаб ўз уйларига қўйиб юборилган. Умуман Бухоро шаҳрида одамлар ҳаракати ҳуфтон намозидан сўнг, яъни қоронғи тушгандан сўнг озгина вақт ўтгач тўхтаган. Айнан шу пайтда шаҳарнинг барча ўн бир дарвозаси қулфланган. Ҳар бир дарвозага икки қўриқчи – дарвозабон қўйилган [2;233].

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, шаҳарда тўй ва рухсат берилган базмлар ҳам белгиланган вақтда тугаши шарт бўлган ва айрим сабаблар билан ушланиб қолган тўй ёки базм иштирокчилари шу хонадонда тонггача қолишга мажбур бўлганлар.

Шаҳарни ичимлик суви билан таминлаш ва сув иншоотларини вақтида таъмирлашда ҳам маҳаллаларнинг ўрни ва роли жуда катта бўлган.

Шохрух ариғини тозалаш ишларига, Бухоро амири кўрсатмаси билан, шу канал сувидан фойдаланувчи шаҳар атрофидаги кишлоқларнинг дехқонлари жалб қилинган.

Шаҳар ичидаги майда сув ариқларини тозалаш, асосан, шу ариқлардан фойдаланувчи шаҳарликлар зиммасида бўлган. Одатда бу ариқларни тозалаш



учун маҳалла аҳолисидан пул йиғилиб, ариқларни тозаловчи ишчилар ёлланган. Бу ишларга маҳалла оқсоқоли бошчилик қилган.

Шундай қилиб Бухоро амирлигидаги шаҳар маҳаллалари маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришнинг ўзига хос кўриниши сифатида маҳаллий бошқарувни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Бухоро амирлигидаги шаҳарларда, жумладан, Бухоро шаҳрида муайян соҳаларда фаолият юритадиган хунармандлар маҳаллалари ҳам бўлган. Бундай маҳалаларнинг пайдо бўлишида хунармандчилик цехларининг ўрни катта.

Шуни фахр билан таъкидлаш жоизки, Бухоро амирлиги ҳудудида ҳам Ғарбий Европа хунармандчилик цехларига ўхшаш бошқарув тизими ҳукм сурган. Кўп ҳолларда, айрим маҳаллаларда асосан бир касб-кор одамлари – ҳамкасблар йстиқомат қилган ва маҳаллалар шунга қараб номланган: Заргарон, Мисгарон, Кўнчилик, Парчабобо, Чаригари, Шарбатдор, Сўзангарон, Эгарчи, Темирчи, Тақачи, Ўқчи ва ҳ.к.

Бундан маҳаллаларни бошқарган оқсоқоллар хунармандлар ўртасидаги келишмовчиликларни ҳал қилган, ўзаро муносабатларни тартибга солган.

Юртимиз хунармандларининг бошқарув тартиби – бобо, оқсоқол, уста, халфа ва шогирддан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига тегишли вазифани бажарган. Бобо хунармандчилик уюшмасининг раҳбари ҳисобланиб, унинг вазифаси “Рисола (устав)да кўрсатилган тартиб-қоидаларга усталарнинг сўзсиз риоя қилишларини таъминлаш, усталарнинг сифатли маҳсулот тайёрлашларини назорат этиш, уюшма аъзоларининг барча маъракаларига етакчилик қилиш, усталар ўртасида келиб чиқадиган келишмовчиликларни “Рисола”да кўрсатилган тартибда бартараф этиш, шогирднинг усталик даражасига эришганлиги учун ўтказиладиган “Бел боғлаш” маросимига бошчилик қилиш, бошқа шаҳарлардан кўчиб келган усталарни уюшмага қабул қилиш, шаҳар ҳокимияти вакиллари билан турли масалалардан музокаралар олиб бориш, харидор ва хунармандлар ўртасидаги келишмовчиликларнинг қозилик судларида кўрилишида қатнашиш

кабилардан иборат бўлган. Бобо бу хизматлари учун ҳеч қандай ҳақ олмаган. Бобо ўз дўкони, халфа ва шогирдларига эга бўлиб, бошқа усталар сингари ўз меҳнати эвазига кун кечирган [7;39].

Оқсоқол бободан кейинги ўринда турувчи уюшма раҳбари бўлиб, у бажарадиган вазифалар бобоникига қараганда кенг қамровли бўлган. Оқсоқол ҳам усталарнинг барча оилавий маърака, маросимларида иштирок этиб, уюшма аъзолари турмушининг иқтисодий-маиший томонлари билан шуғулланган.

Хунармандлар орасида келиб чиқадиган турли келишмовчиликларни бартараф этган, уста, халфа ва шогирдлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб турган. Ўлкада ўтказилган хунармандчилик маҳсулотлари кўргазмасида, турли байрамларда усталарнинг ўз маҳсулотлари билан қатнашишларини уюштирган. Шогирднинг “Бел боғлаш” маросимини ўтказишни ташкил этган. Оқсоқол ҳам бобо сингари ушбу хизматлари учун ҳеч қандай ҳақ олмаган. Ўз навбатида, у ҳам ўз дўкони, халфа, шогирдларига эга бўлиб, хунари орқасидан кун кечирган [7;39].

Бухоро амирлиги ҳудудида уруғи, элати ва миллатига қараб шаклланган маҳаллалар ҳам мавжуд бўлган. Бухоро яҳудийлари маҳаллалари фикримизнинг исботи бўла олади.

Тарихий маълумотларга қараганда, Ўрта Осиё ҳудудларига биринчи яҳудийлар Вавилионнинг форс подшоси Кир томонидан истило қилинишидан (эр.ав. 539-йил) кейин келиб ўрнаша бошлаган. XVI асргача Эрон, Ўрта Осиё ва Афғонистон яҳудийлари битта жамоа бўлиб яшаганлар. Ўзаро келишмовчиликлар натижасида улар иккига – Эрон, Ўрта Осиё ва Афғонистон яҳудийлари жамоаларига бўлиниб кетадилар.

XVIII аср ўрталарига келиб, Бухоро амирлиги билан Афғон подшоҳлиги ўртасидаги муносабатларнинг ёмонлашуви бу ҳудудларда яшовчи яҳудийларнинг алоқалари узилишига сабаб бўлади ва шу вақтдан бошлаб Ўрта Осиёда яшовчи яҳудийлар “Бухоро яҳудийлари” номи билан юритила бошланди.

XVI асрга келиб Бухоро Ўрта Осиёдаги яҳудийларнинг марказига айланди ва дастлабки яҳудий маҳалласи – кўхна (эски) маҳалла ташкил топади. Яҳудийларга ушбу маҳалла ҳудудидан ташқарида яшаш таъқиқланган эди. XVII асрнинг биринчи чорагида ушбу маҳалла ҳудудида, ҳозиргача ягона бўлган Синагога қурилади [8]

Аср бошларида Бухорода яҳудийларнинг яна бир маҳалласи “Маҳаллаи нав” – Янги маҳалла ташкил топади. XIX аср ўрталарига келиб эса яҳудийлар яшаши учун Бухорода яна бир ҳудуд – Амиробод ажратилади. Шундай қилиб, Бухорода учта яҳудий маҳалласи – Эски маҳалла, Янги маҳалла ва Амиробод (Амир томонидан асос солинган) маҳаллалари ташкил топади. XIX аср олтмишинчи йилларида бундай маҳаллалар Самарқанд, Қарши, Марв, Хатирчи, Катта кўрғон, Кармана, Марғилон, Душанбе каби шаҳарларда ҳам фаолият кўрсатар эди.

XVIII аср ўрталарида ва XIX аср бошларида Бухоро яҳудийларини оммавий равишда мажбурий Ислом динига киритиш учун уринишлар бошланди. Ушбу сиёсат оқибатида Бухоро яҳудийларининг “чала” деб аталадиган жамоаси шаклланган. Улар расмий равишда Ислом динига сиғинсаларда, аслида яширин равишда Иудизм амалларини бажарганлар [6].

Бухоро яҳудийларининг асосий машғулоти тўқимачилиқдан иборат бўлган. Улар шохи, қалғай ишлаб чиқарганлар, савдо билан шуғулланганлар. Оёқ кийимларини таъмирлаш, сартарошлик яҳудийларнинг сеvimли касбларидан бўлган. Европача эркаклар кийим бошини тикишни ҳам Ўрта Осиёда биринчи бўлиб улар бошлаб берганлар.

Бухоро яҳудийлари маҳаллалари бошида сайлаб қўйиладиган дунёвий бошлиқ – калонтар (каттароқ ёки катта) турган. Унинг вазифасига савдо, ижтимоий ҳаётдаги муаммолар, маиший кичик жиноий ишларни кўриб, хал қилиш кирган. Шунингдек, у расмий ҳукумат олдида яҳудийлар вакили ҳисобланган.

Шўро ҳокимияти йилларида эса барча маҳаллалар каби Бухоро яҳудийлари маҳаллалари ҳам ўзининг мохиятини йўқотиб, турли диний

маросим ва маракаларни уюштирувчи кўшнилари уюшмаси сифатида сақланиб қолди. Бухоро яҳудийларининг кўпчилиги ўзларининг тарихий ватанларига ва АҚШга кўчиб кетишлари муносабати билан ҳозирда соф яҳудий маҳаллалари сақланиб қолмаган.

Бухоро амирлигида қишлоқлар маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришнинг ўзига хос кўриниши сифатида фаолият кўрсатган. Қишлоқ биринчи йирик ижтимоий меҳнат тақсимоти-чорвачиликдан деҳқончиликнинг ажралиб чиқиш маҳсули бўлиб, кишиларнинг тарихан шаклланган оиладан кейинги ижтимоий бирлигидир. Дастлабки қишлоқлар кўчманчи чорвадорларнинг қишни ўтказиш учун тайёрлаган жойлари шаклида шаклланган. Қишлоқ сўзининг ўзагида “қишламоқ” сўзининг туриши фикрларимизнинг исботи бўлиб хизмат қилади.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Бухоро амирлигида катта қишлоқлар маҳаллаларга бўлинган ва уларни амин бошқарган. Кичик қишлоқлар эса қишлоқ оқсоқоли томонидан бошқарилган. Амирликда қишлоқ жамоаси маслаҳат кенгаши томонидан бошқарилган. Бу кенгаш оқсоқоллар, мйроблар ва дин пешволаридан иборат сайлаб қўйиладиган маъмуриятдан ташкил топган. “Маслаҳат” жамоа бошқарувининг асосий органи ҳисобланган. Жамоанинг ҳаёт фаолияти билан боғлиқ бўлган муҳим муаммо ва масалаларни муҳокама қилиб, тегишли ечимга келиш унинг ваколатига кирган. Маслаҳат иштирокчилари муаммо ечимини топишда тарихан шаклланган урф-одат ва анъаналарга таянганлар. Қарорлар кўпчилик овоз билан қабул қилинган ва у сўзсиз адо этилган.

Қишлоқ жамоасида ҳамқишлоқлар фаолиятига тааллуқли муаммолар ҳал қилинган. Бу муаммолар орасида ер-сув манбаларидан фойдаланиш муаммолари ҳал қилувчи аҳамият касб этган. Ер-сув улуши жамоада балоғат ёшига етган кишиларга, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб эса фақат уйланган ва ирригация мажбуриятларини бажаришга қодир эркакларга берилган. Бу деҳқончиликнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқган. Маълумки, Шарқда суғорма деҳқончилик мавжуд бўлиб, бу деҳқончилик сув

иншоотлари қуриш ва уни сақлаш билан боғлиқ жуда кўплаб муаммоларни ҳал қилишни талаб этган. Шунинг учун бу юмушларни бажара олишга қодир эркакларга улуш берилган ва бу ишларни барча жамоадошлар бирлашиб амалга оширганлар.

Бухоро амирлигида чўл ва дашт ҳудудларидаги аҳоли бошқарувига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бу элларни ҳам халқ томонидан сайлаб қўйиладиган оқсоқоллар – Элбегилар идора қилган. Элбегиларнинг фаолияти эл таркибидаги уруғларнинг чорваси учун ажратилган яйловлардан фойдаланиш, уларнинг уруғлар ва жамоалар ўртасидаги тақсимоти, чорва ҳисобидан солиқ йиғинини ташкил этиш каби фаолият турларидан иборат қилиб белгиланган.

Амирликдаги кўчманчи аҳоли ўртасида суд ишлари оқсоқоллар ёки оқсоқоллар кенгаши томонидан урф-одат буйича муҳокама қилинган. Баъзи холларда кўчманчи аҳолига нисбатан суд ишларини ҳам мансабдорлар кўрганлар [12;448].

Шундай қилиб, энг қуйи маҳаллий ўзини ўзи бошқарув тизими демократик тамойиллар асосида ташкил этилган бўлиб, халқ орасида ижтимоий адолат, юрт ободонлиги ва халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 485 б.

2. Бобоев Ҳ. Ўзбек давлатчилиги тарихи. (II китоб). – Тошкент: Фан ва технология, 2009. – 472 б.

3. Зулфиқоров А. Маҳалла ва ёшлар тарбияси // Фидокор газетаси, 2003 йил 25 февраль.

4. Иброхимов А. Ўзбек маҳалласи. – Тошкент: Маънавият, 2007. – 47 б.

5. История средних веков. Том-I. – Москва: Политической литературы, 1952. – 371 с.

6. История евреев.// [Htp hronos/ Km/ru](http://hronos.ru)

7. Қиличев Р. Туркистонда хунармандларнинг ўзини-ўзи бошқарув тартиби // Жамият ва бошқарув, 2004. – №3. – 39 б.
8. Происхождение Еврейской общины. WWW/Cem 40 ru.
9. Раупов С.С. Фуқаролик жамияти: кеча ва бугун. – Бухоро: Дурдона, 2016. – 60 б.
10. Самибоев Х., Ширинбоев Ш. Самарқанд маҳаллаларининг номланиш тарихидан, // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари, 2003. – №3. – Б.52.
11. Сухарева О.А. Квартальная обина познефеодального города Бухары. – Москва: Наука, 1976. – 356 с.
12. Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошарув тарихи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2012. – 556 б.
13. Ўрта асрлар тарихидан изоҳли луғат. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – 130.
14. <https://cyberleninka.ru/article/n/adimgi-ba-triyaning-tarihining-ma-alliy-va-adimgi-eron-manbashunosligida-yoritilishi>